

---

## Ўзбекистон туманида 8 та МТТ ўз фаолиятини бошлади

Коронавирус пандемияси бошланган даврда Ўзбекистон туманидаги мавжуд 59 та давлат мактабгача таълим ташкилоти ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган эди.

Халқ депутатлари Ўзбекистон тумани Кенгаши ва туман санитария-эпидемиологик осойишталик марказининг рухсати билан кеча, 28 октябрдан 8 та мактабгача таълим ташкилоти қайтадан иш бошлади.

Жумладан карантин ва СанПин қоидаларига тўла риоя қилинган дея хулоса қилинган 1, 3, 4, 7, 9, 11, 27 ва 40-давлат мактабгача таълим ташкилотлари болажонларни қабул қилиб олди.

Тез кунларда, яъни 1-10 ноябрь кунлари оралиғида эса қолган 51 та МТТ лар ҳам иш фаолиятини бошлаши режалаштирилмоқда.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2020-10-29 11:31:26